




ТОШКЕНТ



ОҚШОМ

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 53 (9.703) 2002 йил 8 май, чоршанба

Сотувда эркин нархда

9 МАЙ - ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ



Мангуликка дахлдор

Ўтган машъум уруш йилларини эслаш нақадар оғир. Лекин бизда азолдан яхши-ёмон кунларда босиб ўтган йўлга назар ташлаш одати бор. Агар йиллар ҳисоби нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак ўтмишимизнинг энг қора кунлари сифатида 61 мамлакатни, ер юзи аҳолисининг 80 фоизини ўз домига тортган, 50 миллиондан ортиқ кишининг ёстинини қуритган машъум уруш даҳшати кўз олдимизга келади. Биргина Ўзбекистонимизнинг ўзида унинг захри кириб бормаган хонадон топилмайди десак янглишмаймиз. Утмишни эслашнинг яна бир хусусияти шундаки, у бизни бугунги ёруғ кунларни қадрлашга ўргатади. Тинчликни кўз қорачиқидек асрашга, ҳаётга янада теранроқ қараб Ватан химоясига ҳамини тайёр туришга ундайди.

Бугун ушбу қутлуғ сана шарофати ила барча қатори Тошкентимизнинг туманларида, маҳалла-лар, мактаблар, лицей ва коллеж-ларда, ўрта махсус ва олий ўқув юртиларида, қорхона ва ташкилот-ларда кексалар, уруш ва меҳнат фахрийларига ҳурмат ва эҳтиром кўрсатишмоқда. Кекса авлод хоти-раси ва қадр билан боғлиқ бу тантаналар қатнашчиларининг барчаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йилнинг 3 майдаги «Иккинчи жа-ҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги қарорини нурунийларга бўлган ғамхўр-ликнинг яна бир ёрқин ифодаси деб таъкидламоқдалар. Шундай кўтаринки кайфият барча қатори бизни ҳам Мотамсаро она ёлгор-лик мажмуаси ўрнатилган майдон томон қорлади. Бугун ҳар биримиз учун муқаддас ва табаррук бўлиб қолган бу даргоҳ янада гавжум. Тур-ли вилоятлардан, шаҳар ва қиш-лоқлардан зиёратга келиб-кети-ётган одамларнинг кети узилмай-ди. Мангу машъада тўридан жой ол-ган Мотамсаро онага тикила туриб ҳаждонинг янада ортади. Уво ажаб, уруш оловни сўнганига роппа-роса 57 йил бўлибдики, у қолдирган эс-ҳамон қалбларимизнинг энг но-зик торларини тирнайди. Ғамбодда онага тикила туриб унинг мунгли қарашларидан шун-дай сўзларни ўқасиз. «Келинг, келаверинг азизларим, бу жой муқаддас. Унинг ҳоқини кўзингизга суртсангиз арийдил. Май-дон пешайвони тоқчасига бир қаранг. У ерда ёзилган ёлгорлик

лавларида минглаб жигаргўшаларининг, боболарининг номлари битилган. Уларни дилга, тилга олиб хотирласангиз кўнглингиз оқиб, ру-ҳингиз шод бўлади. Эй менинг жигар-бандларим! Кўзингизни каттароқ очинг. Бу ёруғ кунларни кўриш сизга насиб этган экан, бу дамларнинг қадрига етинг. Не-не инсонлар шун-дай шукўдди кунларни, ҳар сония-сида меҳру-муруват ва садоқат уфу-риб туралдиган бу беэвоқ дамларни орзу қила-қила оламдан ўтдилар. Юр-тимизга бало-қазодек ёпирилган ўша уруш даҳшатини эсласам ҳали ҳам аламзада юрагимга ниш қалади. У қанчадан-қанча навқирон жонларни ўзи билан бирга йўқлик қаърига олиб кетди. Ҳали яшагча ҳақди бўлган неча-неча одамларнинг ёстинини қуритди. Улардан ота меҳрига тўйма-ган фарзандлар қолди. Жигар бағри қонга тўлган оналар, аламзада ота-лар қолди. Ҳали чимилдиқдан чиқиб улгурмай сеvimли ёридан айрилган бева келинлар қолди. Уларнинг қан-ча-қанчаси ҳали ҳам меҳрибонларидан жудо бўлганларига ишонмай умид билан эшикка термулиб ўтиришиб-ди. Яна нима дейин? Нималарни ай-тай? Дилдаги ҳасрат-надоматларим айтган билан тутармикан».

Бу сўзлар хотирамизга бир воқеани келтирди. Бундан анча йиллар муқаддам оламдан ўтган яқин қарин-дошимиз Меҳри хола шундоққина кўз ўнгимизга гавдаланди. Айтишларича, холанинг Ёлгор исмида ўғли ҳам уруш-да бедарак йўқолган экан. Онаизор умр бўйи интизорлик билан ўғлини кутди. Ҳатто ўғлим ярим кечада эшик-дан кириб келиб қолар деган умидда ҳар кеча Ёлгорига насиба олиб кўйишни ҳам унутмади. Охири боши ёстиққа текканида ёлғиз Ёлгорининг суратини рўпарасидида девор тўрига осиб қўйди. Каравотта миҳланди қол-ган хола эрталаб кечгача суратга ти-килиб у билан суҳбат қуради. Вақт-соати етиб жон таслим қилиш олди-да ҳам Ёлгорини чақирди. Уни кўриш-га илҳақ бўлиб бир неча кун талва-салаб ётди. Ниҳоят Ёлгорининг но-мини такрор-такрор тилга олиб оламдан ўтди. Фарзанд доғи айниқса онажонла-римиз учун оғир кечини ани ўшанда яна бир қис этганмиз. Дунёда ҳеч бир ота-она фарзандим деб йиғламасин эканда. Обидага би-тилган: «Сен доим қалбимдасан, жигарим» деган сўзлар ҳам тўғи она-жонларимизнинг фарзандларига бўлган меҳрини ифодалаб тургандек. Ҳаёллар оғушида пешайвон томон юрамиз. Эл-юрт фарзандларининг номлари битилган ёлгорлик лаҳзалари бирма-бир варақлаётган ин-сонлар қаторидан жой оламиз. Зар-ҳал ҳарфлар билан битилган бу ла-ҳзаларда қанча-қанча номлар зикр этилган. Уларни санаб адоғига етиш қийин. Бу жонсиз номлар бир ов-занд: «Авллодлар, биз сизларни сева-дик, раҳмат, сизлар ҳам бизни унут-мабсизлар. Бахтимиз кўёши ярқира-гани шукки, йиллар ўтсада исиз кет-мадик. Номларимиз халқимиз тили-да эъзозланди, мангуликка дахлдор бўлди», дея ҳайқираётгандек тую-лади. Бугун аниқ айта оламизки, ўша жон олиб жон берилган кунларда қўлда қурол тутган баҳодирларимиз ҳар лаҳзада отилажар ўқ ҳаётларига

— жорий йилимизнинг Қарияларни қадрлаш йили деб номланганлиги, кунни кеча иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида чиққан қарорлардан бошимиз оёмонга етди. Абдулқосим ТҮЙЧИЕВ, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби: — Ҳозир жуда ҳаяжонданман. Бундай тadbирини ташкил қилган инсонларга тасанно. Қувончим ичимга сигмай кетди. Жуда хурсандман. Шундай азиз ва улғур инсонлар, марҳум устозларимизнинг экранда кўриб қўларимга ёш келди. Улар ёнимизда бирга тургандек ҳис этдим. Халқимизнинг шундай буюк инсонларини ёлғиз олдик. Бугун уларнинг руҳи шод бўлди, албатта. Бундай хай-рли ишларнинг бошида турган, қарияларимизга чексиз ғамхўрлик кўрсатаётган Президентимизга ташаккур. Илоҳим мустақил Ўзбекистонимиз яна ҳам гуллаб-яшнасин, юртимиз тинч ва фаровон бўлсин. Дарҳақиқат, қариялари эъзоз ва қадр топган эл ҳамини фаровон ва бахтиёр яшайди. Шундай экан ҳаётимиз мазмуни, сунъинчи бўлган нурунийларимизни ҳамини ардоқлайлик, эъзозлайлик. (Ўз муҳбиримиз). СУРАТЛАРДА: «Мумтоз наволар гулшани» тadbиридан лаҳзалар. Сергей Любич олан суратлар.



МУМТОЗ САНЪАТ ГУЛШАНИ

Халқимизда ўтганлар хотирасини ёдга олиш, қарияларни қадрлаш, эъзозлаш азалий қадриятларимиздан саналади. **КЕЧА** пойтахтимизнинг мухташам Халқлар дўстлиги саройида Қарияларни қадрлаш йили ҳамда Хотира ва Қадрлаш кунига бағишлаб ўтказилган адабий-музыка-ли санъат баъзи «Мумтоз санъат гулшани» деб номланди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Маданият ишлари вазири, Уштарлар диокомпания, «Ўзбекна-во» эстрада бирлашмаси томонидан ташкил этилган ушбу санъат баъзи аждо-ларнинг барҳаёт хоти-раси ва кекса санъаткор-лар эъзозига бағишланди. Давлатлик раҳбари Ислам Каримовнинг 1999 йил 2 мартдаги Фармони-га кўра халқимизнинг Ва-

тан озодлиги ва мустақилли-ги учун жон фидо этган фар-зандлари хотирасини абадий-лаштириш, бугун ҳам эл-юр-тимиз обрўсини ҳоксалти-ришга ҳисса қўшаётган фах-рийларни ҳурматлаш мақса-дида, мана бир неча йилдир-ки, мамлакатимизда 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунини сифатида кенг нишонланмоқ-да. Зеро, бу нафақат жанг майдонидан қурбон бўлган-ларни хотирлаш, балки фронт ортида фидокорона меҳнат қилган отахон ва она-хонларимизга иззат-иқром кўрсатиш, мустақил Ўзбеки-стон тараққиётига ўз улуши-ни қўшиб келаётган фахрий-ларимизни ардоқлаш бораси-да олиб борилаётган хайрли ишларнинг ёрқин далилидир. Хотира ва Қадрлаш кунининг умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиши таъминлаш барча давлат ва жамоат ташкилотлари-нинг муҳим вазифаси, юр-ти-

миз фуқароларининг маъна-вий бурчига айланган. Хотира нафақат ўтмишни унут-маслик, балки бугунги ҳаётимизнинг қадрига етиш, эр-танги кунга ишонч ҳамдир. Бугунги ёшлар эса аждо-ларимизнинг юрт озодлиги, миллат раънақи йўлида чек-кан захмат, кўрсатган жа-соратидан ибрат олиб яша-моқда. Ушбу қутлуғ сана шаро-фати билан мамлакатимиз-нинг барча гўшаларида кек-салар, уруш ва меҳнат фах-рийларига яна бир қарра ҳур-мат ва эҳтиром кўрсатилаёт-гани бежиз эмас. Бўлиб ўта-ётган тантаналар иштирок-чилари Вазирлар Маҳкамаси-нинг жорий йил 3 майдаги «Иккинчи жаҳон уруши қат-нашчиларини рағбатлантири-ш тўғрисида»ги қарорини нуруний отахон ва онахон-ларга бўлган ғамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодаси, деб билмоқдалар.

Кечада фан, адабиёт ва санъат, кино ва театр дарга-лари, бир сўз билан айтган-да, маданиятимизнинг кекса авлоди ва улар сулоларининг ижоди мустақиллик йилларидан чинакам қадр топ-гани саҳна ва экран кўри-нишларида намоён бўлди. Биз санъат баъзи таш-риф буюрган айрим юртдош-ларимизнинг қалб сўзлари-ни қозоғга туширдик: **Зариф ҲОЖИҚУЛОВ, II жаҳон уруши қатнашчиси:** — Бугунги кунда қалбим ниҳоятда чексиз фахр ва қувончга тўлмоқда. Шундай дорилмон кунларда эъзозла, ҳурматда яшаётганимдан бах-тиёрман. Шундай кунларга етказганига шукр. Аввало Юртбошимизга тасанно, минг раҳмат. Биз қарияларга кўрсатаётган ғамхўрликлар

• Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган мақола-ларни газетамизнинг 2-саҳифасида ўқийсиз.

ҚИСҚА суратларда

□ **ШАХРИМИЗДАГИ** 592-боғчада, Шайхонтоҳур туманидаги Олим Хўжаев номли маҳаллада ҳам Хотира ва Қадрлаш кунини муносабати билан фахрийлар иштирокида тadbирлар ўтказилди ҳамда мута-садилар томонидан инъом этилган совғалар кексалар кўнглини шод этди. □ **ШАЙХОНТОХУР** туманидаги 98-мактабда мазкур илм маскани 43 нафар тарбияла-нувчисининг суннат тўйлари ўтказилди. Ушбу тadbирда иштирок этганлар Аброр Хидоятлов номли драма театри актёрлари ихросидаги томошалардан баҳраманд бўлишди. □ **ПОЙТАХТИМИЗДАГИ** та-рих фанига ихтисослашган мактабларнинг ўқувчилари иштирокида Республика Дав-лат болалар кутубхонасида бўлиб ўтган анжуман «Амир Темур ва мустақиллик» деб номланди. □ **ШАХРИМИЗДА** Ўзбеки-стон соғлиқни сақлаш вазири-лиги, республика СПИД маркази ҳамкорлигида ши-фокорлар иштирокида ор-тирилган иммунитет ёки СПИДнинг олдини олиш масаласига бағишланган ан-жуман ўтказилди. □ **ТОШКЕНТДА** ва мамлака-ти-ми-зидagi сув муаммолари билан шуғулланувчи олимлар ҳамкорлигида бўлиб ўтган э-кофорум «Орол ва Оролбуйи муаммолари» деб номланди.

ҲАМКОРЛИК йўлида

Тошкентда Украина Ва-зирлар Маҳкамасининг давлат котиби ўринбосари К. Петров бошчилигидаги расмий делегациясининг ташрифи уч кундан буён давом этмоқда. **КЕЧА** делегация аъзолари Тошкент шаҳар ҳокимлигида бўлишди. Бу ерда ўтказилган учрашу-да пойтахтда «Украина» биз-нес-марказининг ташкил эти-лиши тўғрисидаги масала юзасидан фикрлашиб олиш-ди. **БУГУН** украинлик меҳмонлар Наво-ий шаҳрига ташриф буюри-шди.

Институтнинг халқаро алоқалари

Тошкент давлат само-лётсозлик институтининг халқаро алоқалари тобо-ра кенгайиб бормоқда. **Америкадаги машхур «Бонинг» авиакомпанияси билан ҳамкорлик аниқ-са самарали бўлмоқда.** Беш йилга мўлжалланган ўзаро битим бўйича олий ўқув юртининг ёш педагоглари бу қорхонада бўлиб, билим ва малакаларини оширишди. Айни вақтда компания та-лабаларини модний томондан қўллаб-қувватлаш ишига ҳам бош қўшди. Бир йўла 25 на-фар иқтидорли талаба «Бон-инг» махсус грантини қўлга киритди. Уларнинг ҳар бири 200 доллар ҳажмида стипен-дия совриндори бўлди. Институт эндиликда «Дай-млер Крайслер Европейс Аэрбас» деб номланган йи-рик фирма билан ҳам ўзаро шартнома асосида алоқа боғ-лади. Бундан ташқари Россия ва Украина самолётсозлик институтлари кўмагида ёш мутахассислар малакасини ошириш тadbирлари кўри-лмоқда. Бу эса магистрларни тай-ёрлаш ва ўқитиш учун ҳам пухта илмий замин ҳозирла-моқда. **Ақбар АЛИЕВ**

GERMANIA FEDERATIV RESPUBLIKASI FEDERAL KANCLERI GERHARD ШРЕДЕРНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА РАСМИЙ ТАШРИФИ ТЎҒРИСИДА
Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов-нинг таклифига биноан Германия Федератив Республикаси Федерал канцлери Герхард Шредер шу йил 9-10 май кун-лари расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади. Ташриф давомида икки томонлама муносабатларнинг бугунги аҳоли ва истиқболлари, томонларни қизиқтирган бошқа масалаларни муҳокама қилиш режалаштирилган.

XXI саҳоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Респуб-ликаси ҳудудига товарлар олиб келинишни тартиб-га солиш тўғрисида» қарор қабул қилди. • Олий Мажлиснинг Ёшлар ишлари қўмитаси йи-гилишида «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»-ги Қонуннинг Сурхондарё вилоятида ижро этилиши муҳокама қилинди. • Ўзбекистон Ер ресурслари давлат қўмитасида давлат ер кадастрини юритиш технологияларини та-комиллаштириш ва мониторингини ташкил этишга бағишланган илмий-амалий семинар бошланди. • Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Мар-казий музейида «Хотира» деб номланган кўргазма очилди. 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунига бағи-шланган мазкур кўргазма Ўзбекистон Давлат тарих музейи билан ҳамкорликда ташкил этилди. • Тошкент тўқимачилик ва энгил сановати институ-тида Қарияларни қадрлаш йили ҳамда 9 май — Хо-тира ва Қадрлаш кунига бағишлаб «Уч авлод учрашу-ви» ўтказилди. • Андижоннинг сўлим гўшаси Хонобод шаҳрида улғур санъаткор Ўзбекистон халқ артисти Сойиб Хўжа-ев хотирасига бағишланган кулгу байрами ўтказил-ди. • Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазири хайъатининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда вазирилик таркибий тuzилмалари ва хусусий бошқармалари тезкор хизмат фаолиятининг 2002 йил биринчи чорак якунлари ва галдаги вазифалари бил-лан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. • Сирдарё ва Жиззах вилояти деҳқонларига оби-ҳаёт етказиб бераётган 400 километрлик Жанубий Мирзачўл каналини модернизациялаш, сув ресурслари-дан фойдаланишни такомиллаштириш мақсади-га йўналтирилган махсус лойиҳа ишлари ниҳоясига етди. • Шу йилнинг 23-28 май кунлари Бойсун туманида «Бойсун баҳори» очик фольклор фестивали ўткази-лади. **КЕЧА** Ўзбекистон Давлат консерваторияси биносида мазкур фестиваль ташкилотчилари Ўзбеки-стон ва чет эл оммавий ахборот воситалари учун матбуот конференцияси ўтказилди. • Бухоро пахта-тозалаш акциядорлик жамиятининг юқори сифатли махсулотлари Испания, Швеция, Рос-сия, Польша сингари бир қатор Европа мамлакатла-рига жўнатилди. • Тошкентда ПГС хусусий фирмасининг янги «Элек-трокзон—ПГС—029» ускунасининг тақдими бўлиб ўтди. • Республика халқ таълими тизимида олтинчи бор ўтказилаётган «Ўзбекистон — Ватаним меним» фести-вали бу сафар Шахрисабзда бўлди. • **КЕЧА** пойтахтимиздаги «Жар» спорт мажмуида футбол бўйича 17 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида Осиё чемпиони 5-гурӯх жамоалари саралаш учра-шувлари бошланди.

Жаҳонда

• Японияда Токио шаҳри ва Канагава префектура-си аҳолиси севиб томоша қиладиган «КТV» телека-нали Ўзбекистон ҳақида телетанлов ўтказди. • Яқин Шарқда вазият ҳамон кескинлигича қолмоқ-да. **КЕЧА** Исроил кўшинлари Иордан дарёсининг фарбий соҳилида жойлашган Тулкарм шаҳрига бос-тириб кирди. Армия вакилининг маълум қилишича, ушбу ҳарбий операция фаластинлик террорчиларни йўқ қилишга қаратилган. • Покистон билан Афғонистон ўртасида ўзаро ҳаво алоқасини тиклаш борасида музокаралар бўлиб ўтди. Икки мамлакат шу ой охиридан бошлаб самолёт қат-новини йўлга қўйишга келишиб олди. • Халқаро террорчи Усома бин Лодин Покистонда жойлашиб олган, деган гап Афғонистон ҳукумати то-монидан тасдиқланди. Хост Ҳазрат шаҳри ҳарбий разведкаси бўлинимаси бошлиғи «Ньюсуик» ҳафта-номасига шу ҳақда маълум қилди. • АҚШ Ҳарбий ҳаво кучларининг самолётлари Гу-антанамодаги ҳарбий денгиз базасига «Ал-Қоида» ва «Талибон»га қарашли яна 21 асирни олиб келган. Улар Афғонистонда ўтказилаётган аксилтеррор амалиётла-ри пайтида қўлга олинган. • Зилзиланга жабр кўрган Грузия халқига Россия ҳукумати **кеча** инсонпарварлик ёрдамини жўнатди. Россия Фавқулодда вазиятлар вазириги матбуот хизмати берган маълумотларга кўра «ИЛ-76» само-лётти 38 тонналик инсонпарварлик ёрдами билан Москвадан Тбилисига учиб кетган. • 2001 йили интернет тизимидан фойдаланувчи-лар сони Россияда аввалги йилдагига нисбатан икки бараварга кўйилган. Улар сони ҳозир 18 миллиондан ортиқдир. 8 миллиондан зиёд киши интернетнинг доимий аудиториясини ташкил этади. Бу маълумот-лар Россия — интернет технологияси жамоат маркази-нинг ҳисоботида эълон қилинди. • Нигерия шимолдаги Кано шаҳрида йўловчи са-молёт ҳалокатга учради. Шаҳар аэропортидан хабар беришларича, ҳаво кемаси турар жой бинолари усти-га қулаб тушган. • Шу ҳафтада Индонезия Малайзия ва Филиппин билан шартнома имзолади. Унда терроризмга уруш эълон қилиш масалалари ўз аснони топади. • Колумбия ҳарбий денгиз кучлари вакилининг ах-борот беришича эгасиз кемадан 2,25 тонна кокаи-н гиванд моддаси топилган. Гап шундаки, гивандлик савдоси билан шуғулланувчи жиноий гуруҳни очик денгизда ҳарбийлар таъбиқ этган. Жиноий гуруҳ эса кемани чакалзорларга яшириб ўзлари қочиб ке-тишган.

Бундан ўттиз йил муқаддам юртимиздаги бош газеталардан бири бўлиши — ҳозирги «Ўзбекистон овози»да аввал — адабиёт ва санъат бўлими мудири, сўнг эса бош муҳаррир ўринбосари сифатида фаолият юритганман. Хизмат юзасидан бу кутлуг даргоҳда атоқли адилбалимимиз, моҳир сўз усталари — устозлар билан доимий мулоқотда бўлишимга тўғри келарди...

Адабиётимизнинг улкан арбоблари ижодига бағишланган махсус саҳифаларни бирма-бир кўздан кечириб, азиз инсонлар қиёфасини кўз олдимга келтириш, улар билан ҳаёлан суҳбат қураман. Улар айтган аjoyиб ҳикматлар, улар ёзган кўркам фикрлар, шеър уйқоялар мазмунини кўз олдимда яна жонланади. Ойбек домла, Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Ғайратий, Собир Абдулла каби устозлар дунёга бир келиб кетганидан нурли сиймолар эдилар. Улар ўз орзу-армонларини ушбу газета саҳифаларида ҳам айтиб ўта олдилар.

Бўлса-да икки пиёла ичдим. Домла ҳам иримига бўлса-да, тотинган бўлдилар. Зарифа опа: «Ойбекжон, Сизга бўлмайди», деб хабардор бўлиб турдилар. Мен жуда бахтиёр эдим. Ҳазилми, мени болаликдан ўзига мафтуну махлиб этган, «Навоий»дек кўплаб забардаст романларни яратган буюқ Ойбекнинг рўласида суҳбатлашиб ўтирибман. Қандай бахт! Ўзбек тилининг мислсиз сехргари, бадиий тафаккур пахлавони бўлиши устоз мендек оддий бир қаламга билан суҳбатлашмоқда! Замон далағлари мардона кўкрак кертган, яраланган шердек ўзига сиймай, тошиб-тошиб келаётган, кўп гапларни айтишга тайёрлар лекин неча йиллик маънавий изтироблардан сўнг дудукланиб қолган устоз билан юзма-юз ўти-

Жуманиёз ЖАББОРОВ, Ўзбекистон халқ шоири УСТОЗЛАР ЁДИ

дан бағри кўтарилиб келганлиги ҳамон ёдимда. Буюқ Навоий қабрини зиёрат қилиб, улуғ Алишернинг ҳаёт бешиги бўлган шаҳарда у киши қурдирган тарихий ёдгорликларни кўриб қайтган шоирнинг ўй-хаёлларида янги-янги мавзулар жиполанар эди. Натихада, «Буюқ Навоий» деган саҳифа вужудга келдики, ундаги «Ҳоки Мусалло», «Тахти сафар» каби аjoyиб ҳикоялар, «Тун била тонг» деган машҳур Навоий газалига муҳаммас ва «Навоий қабри устида» деган шоирнинг ўз муҳаммаси, Жомий газали таржимаси ва бошқалар юксак санъати билан ҳаммаимизни лол этган. «Менинг ўргина болам», «Ҳамиди эслаб» каби асарлар ҳам шу газета хоналарида тугилди. Бахлиманки, уларнинг кўпини устоз айтиб туриб, мен қозога туширганман. Фафур Фулом ҳар гал газетамизга келиб, бўлим хонасига кириб, бизга атаганларини яна бир бор кўздан кечириб ўтираркан, чой узатиб, оғзиларидан чиқадиган ҳар бир сўзини пойлаб, хушёр турардик. Баъзи-баъзида кўлэмдан бош кўтариб, бир лаҳза ҳавл суриб, қозоқ парчасига ниманидир ёзиб узатарди: — Ма, буни олиб қўй, бунақа кофия икки дунёда бир марта келади. Кўз югуртирсақ, чиндан ҳам аjoyиб мисралар ёзилган бўларди.

рибман. Неча минг саҳифалар устида бедор ўтган кечю кундузлар, ганимлар гарази ўз кучини кўрсатган эди. Меҳрли кўзларнинг тафтини сезиб, ўзимни осмон фалакда ҳис этардим. У киши айтмоқчи бўлган сўзларини жон қулөгимни тикиб эшитардим... Пушкин асарларини таржима қилиш ниятида бундан кўп йиллар олдин бир гуруҳ ўзбек адилбалири Чимён тоғлари бағрида чодирлар тикиб, ижод этишаркан, Ойбек домланнинг содда буюклиги хусусида тўқилган кўпдан-кўп қизик латифаларини ҳам ҳаёйдан ўтказиб турардим.

1959 йил январда Москвада ўзбек адабиёти ва санъати ўн кунлиги бўлган. Кўпчилигимиз «Украина» меҳмонхонасида жойлашган эдик. Мен ҳам ёш қатнашчилардан бири эдим. Пастдаги кенг чароғон фойеда айланиб юрарканмиз, Фафур Фулом: қани бўлинглар, тепа қаватга чиқиб, Юсуфжон акани зиёрат қилиб чиқамиз, — деб қолдилар. Мен ҳам эргашдим. Машҳур қизикчимиз Юсуфжон Шакаржоновни ўшанда кўриб қолганман. Фафур ака билан у киши ўртасида жуда галати, қулгили гаплар бўлди... Минг афсуслар бўлсинки, бирор саҳифага ёзиб қўймаганман.

Ойбек, Шайхзода, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир ака ижодий фаолияти билан чамбарчас боғлиқ лавҳалар яна бир талдай. Шайхзоданинг «Ғазал мулкнинг султони» деган мислсиз мақоласи газета учун махсус ёзилди. Мақсуд Шайхзоданинг азиз дўсти Фафур Фулом вафотида бағишланган ва илк бор газетамизда эълон қилинган чуккур дардли, оташин шеъри қалин дўстликнинг абадий бир ҳужжати бўлиб қолди. Миртемир акамиз-ку, бири-биридан кўркам саҳифалар яратиб, газетанинг ўз қиёсига айланиб қолган эди. Дашту водийлар кенглиги, тилимизнинг оҳори тўқилмаган жилваларини газета саҳифаларига киритиб, жонлантириб юборарди. Баъзан ҳаёлларга толиб ўтираркан, кўллари билан ҳавога аллақандай жумлаларни ёзар, мабодо бирор сўз номақбул тўқола, уни ҳаёлан ўчирадди. Шундай одатлари бор эди. Уйларига бори қолсақ, «болам, бўтам», деб парвона бўлишлари, шеър санъати устида сўз кетганда аввсиз талабчанлиги... бари-бари бир тушдай ўтиб кетди. Абдулла Қаҳҳордай катта адиб ҳам ҳар замон — ҳар замон тахририятимизга келиб турарди. Тошкент зилзиласидан анча ўтган, қандайдир бир иш билан келган эканлар шекилли, хонамизга кириб қолдилар, диванга бир лаҳза ўтириб, бир пиёла чой хўплаб:



Харфлардан муяссар бўлур хар китоб, Дил харфлар қадрини айлайди офтоб.

Матбаамиз сардори эди...

ратиб қолдим. Кўришиб ҳолаҳвал сўраганимда «Мен шу босмахонага ҳар замонда бир келиб тураман. Менинг отам 1924 йилдан 1930 йилгача шу ерда фаолият кўрсатган. Кўп китоблар у кишининг кўлида чоп этилган, улар матбуотимизнинг захматкаш киши эдилар. Йиллар ўтиб қишлоғимиз кенгайиб, шаҳарга айланди. Отам бу ерда янги босмахона ташкил этдилар. Умрларининг охиригача шу босмахонада меҳнат қилиб ўтганлар», деди.

1920 йилда Тошкентнинг Эски Жўва гузаридан улкан босмахона биноси қад кўтарган. У дийрмизнинг дастлабки наشريёт-матбаа даргоҳларидан бўлиб, турли адабиётларни чоп этиб, маърифий меросимизнинг табарруқ жойига айланган. Мен хар сафар бу ердан ўтсам, болалигимда дўқанган «Савго» китобиди, машҳур ёзувчиларимиз Абдулла Қодирий, Ҷўлпон, Фитрат, Элбекнинг китоблари шу ерда чоп этилиб, бизларга етиб борганини эслайм.

Бу босмахона ёнидан бир кунни ўтаганимда катта олим, Тошкент давлат иқтисодий университетининг доценти, физика-математика фанлари номзоди Вансид Тошбоевни уч-рашганимизга ўзи кўрган эрдани ишлаб моҳир харф терувчи бўлиб етишди. 1931 йилнинг охиридан 1960 йилгача, яъни 30 йилдан ортиқроқ муддатда Х. Тошбоев туманимиздаги босмахонада ишлади ва юзлаб матбаачиларни тарбиялаб воёга етказди.

Холназар ота Тошкент босмахонасини ёдга олганда аввало харф терувчи Хамид ота Беккуловни тилга оларди. «У киши харф терушига ўргатган. Улардай моҳир уста харф терувчини бошқа жойларда кўрмаганман», дерди.

Мен 1947 йили иккинчи жаҳон урушидан қайтиб Тошкентга келиб, «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газета тахририятини адабий ходим бўлиб ишлай бошладим. Турар жойим Ҳамза кўчасининг охири, Хастимом гузарининг орқасида эди. Хар кунни эрталаб ишга катнаб, уйга кеч қайтаётганимда гоҳида маълумот ака Мансуровни учратиб, яёв уйга қайтардик. Мурод ака хушфел, меҳрибон маҳалла раисларидан эди. У мени ҳаммаҳалла, қаламқаш эканлигимни билиб, матбуот, матбаа, адабиёт мавзуларида суҳбатлашарди. Бир кун «Сизнинг шеърлар киндигини бизнинг босмахонада чоп этиляпти», деди. Мен раҳмат айтдим. «Раҳмат кейин бўлади, эртага ишдан қай-

тганимизда босмахонага кириб ўтинг, чоп этилган китобингизни кўрсатаман», деди. Хурсанд бўлдим. Чунки Абдулла Қодирий, Ҷўлпон, Элбек, Фафур Фулом, Ойбекнинг китоблари нашр этилган Тошкентнинг энг катта намунали босмахонасида китобим чоп қилинаётган эди. Мурод ака мени босмахона цехларига олиб бориб, машина мойлари аниқ турган китобимни кўрсатди. Мен бу ерда Тошкентда эмас, балки бутун Ўзбекистонда энг йирик босмахонада ишлаган ва ўз қишлоғимдаги кичик босмахонани ташкил этган атоқли матбаачи Холназар отани эсладим ва ундан у кишини қўрганмисиз деб сўрадим. Мурод ака босмахона фахрийлари Юсуф Мусамухамедов ва Хамид Беккулов ва бошқа матбаачиларнинг фахр билан номиларини тилга олиб, улар Республика матбуоти, матбаасининг отахоналари, уларнинг хотираси матбуотимиз тарихи деди. Холназар отани эслаб, мен каби уста матбаачилардан хунар урганиб, элга таниқли бўлганлар, деди.

Ҳолида АХРОРОВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Табарруқ кексаларимиз ҳамиша ардоқда

Шаҳримиз маҳаллаларида ҳаётнинг ачик-чучугини кўп тортган, қаҳатчилик машъум урушининг суронли йилларида мардонвор меҳнат қилиб, ҳозирги кунда фарзандлари, неваралари ардоқда бахтли турмуш кечираётган отахону онахонларимиз кўп. Улар доимо дуога кўп очганларида «Тинчлик -хотиржамлик бўлсин, рўзгоримизга фойда-бароқ кирсин, бизлар кўрган қийинчиликлару уруш азобларини сизлар асло кўрмангизлар», дея тилаклар қиладилар.

Дарҳақиқат, ҳаётдан кўз юмган қадрларимиз, кўни-қўшнларимиз, уруш жангоҳларида ўз азиз жонини қурбон қилган юртдошларимиз эсга олинмаган, бизлар билан бирга умргузаронлик қилаётган фахрийларимизга янада кўнурроқ ҳурмат-эҳтиром кўрсатиладиган Хотира ва Қадрлаш кунидек табарруқ айёмларда киши ёдига ўша суронли уруш йилларини унинг ортида меҳнат қилган захматкашлари тушади. Бугунги тинчлик-осойишталик даврининг қадрига етиш учун беихтиёр шундай табарруқ кексалар билан суҳбатлашгин, ўша мураккаб даврларни тасаввур қилгин келади.

Маҳалла-кўй, фарзандлари эъзозидан фаровон ҳаёт кечириб, 85 ёшни қаршилаётган Рашид ота Хўжаев билан суҳбатимиз ҳам худди ана шу мураккаб даврлар хусусида кечди.

Мураккабликларга қарамай 48 кун ичида самолёт чиқара бошладик. Кеч ёдимдан чиқмайди — 1942 йил 16 январдан металлларни занглашдан сақлаш цехида сайкал берувчи сифатида фаолият бошладим. Самолётнинг турли деталларини хром, мис, никель билан қоплардик, уларни бўядик. Дастлаб «ЛП-2» самолётини чиқардик. Сўнг «ИЛ-12», «ИЛ-14» ҳаво кемаларини йиғиб мунтазам фронга жўнатиб турдик.



Жаннатмакон юрт

Инсон хотираси — у не? Бирон бир сабабга кўра эллик-олтмиш йиллар мобайнида онгининг қайсидир бурчагида мударб ётган бу кечмишлар қалқиб чиқадию барча тафсилотлари билан бутун борлигини қамрайди кўяди.

Бу гал ҳам шундай бўлди. Олтмишдан ирғиб ўтиб, етмиши қоралган бир юртдошимни уйламай айтган икки оғиз сўзи кўз ўнгимда болалигимнинг серташвиш 1940 йилларини гавдалантирди. Ун-ун икки ёшдаги қизалоқларимиз. Болаликдаги дўстим — мен каби етимча ва китоб шайдоси синфдошим Инобат билан Ховузбоб маҳалласидаги ҳайхотдек ҳовлимиз тўрида — нашовети нок соясига тушган кигиз устида тош ўйнаб ўтирибмиз. Шу чок уйдан чиқиб келган акам Аҳмадхон тепамизга келиб қараб турди-турди-да, бизга гап қотди:

Ошпяти. Оддий хонадонда бўлсин ёшлар рўзғорни бўлак қилса, уни тиклаб олгунча бир қанча вақт ўтди. Бизда ҳам ёшгина мустақиллигимизни мустақамлашга бутун эл бирлашиб ҳаракат қилмоғи кераклигини ёшларга ўргатмоғимиз керак.

— Икки ўртоқ боядан бери жов-жов қилиб нималардан гаплашаяпсизлар? Тилла зирак, олтин узукданми? — Кейин менга ярқ этиб қарадилар-да: «Холидохон, сингилгинам, бир гапимни қулөгингга зирак қилиб тақиб ол, мени акам десанг, зоб-зийнатга, ялтир-юлтурга асло қизикмайди. «Арпа-бугдой ош бўлур, олтин-кумуш тош бўлур» деган машойихлар! — дедилару хайрашиб кетдилар. Акамнинг бу сўзи нақ эритилган кўрғошиндек қулөгимга қўйилиб қолдию шу-шу хеч қачон зоб-зийнатга ҳавасманд бўлмадим.

Эл қийинчилик кўрмасин деб, қанча енгилликлар тугдириляпти юртимизда. Одамлар бор — бир оилани бошқара олмайди. Бу эса бутун бошли бир мамлакат — 20 миллионли халқ-а! Вақти - соати билан ҳаммаси яхши бўлади. Уқдириг болаларингизга — тушунишди... Шу сўзлар билан хайр-маъзулрашиб кетдим, лекин бу сўзлар асорати мени тинч қўймай, ярим аҳли хотираларимни уйғотиб тинчимни олди-қўйди...

Бу воқеа 1940 йилларда бўлиб ўтган эди. Акам рассомчилик билим юрти талабаси бўлиб, ижод қилишга илқониёт бўлиши учун ўқитувчилари рассом Павел Бенков тақлиби билан ётоқда яшардилар. Бечора акам... Отам бедарак кетиб, рўзғор ёлғиз онамга қолгандан бери етти ёшдан бугунга етмоқнада ўсиб, энди техникумда таҳсил қўрганларидан кейин ётоқда яшардилар. Юқорида эслаб ўтганим аёлнинг ҳаётдан нолиши ёдимга солди бечора акагинимни. Акамнинг иродаси қоядани, метинданимни эканки, ўсимир ёшда бошига тушган савдоларни мураккабана елкасида қандай кўтара олди экан? — деб ўртаниб савол бераман ўзимга.

Акамнинг юртидан эсладим. Худди шу йилларда ёшда — ўн саккизда 1942 йилнинг июнида урушга кетгандилар. Армия сафинга эмас — урушга кетганлар. Шу-шу бизнинг акам билан мулоқотимизда ўн йил мобайнида фақат мактублар орқали давом этган. Акамдан келган мактублар... Бу лалпаки «хар гал кўлга олганимда бутун жисми жонимга ўт туташиди гўё. Ярим асрдан ортиқ сақлаганим мактубим. Бу лалпаки — бир юз ўттиз учта мактуб. 1942 йил 16 августидан бошлаб, 1944 йил 9 декабригача ёзилган — Ленинград фронтиндан йўлдан мактублар. Айни ўйнаб-қуладиган даврида замона зайли билан умрининг ўн йилли жанг жадалда ўтган истеъодли бир инсоннинг орзулари поймол бўлганининг шохиди мактублар. У хатлар эллик етти йилдан бери қайта-қайта ўқилариб ёд бўлиб кетган.

«Улар бўлсам ўлиб бўлдим бу ўйларимнинг дастидан. Бошқаларнинг боласи ҳам шунчами? Уларга қолса йўқни йўндириб берсам... Ҳаёт оғир бўлиб қолдимми?» — деди у аёл кўзини менга тикиб.

Акажоним-а, оиласини, юртини қанчалар соғинганлар, юртдан борадиган мактубларни қанчалар интиқилиб билан кутганлар-а... Мен эса кун ошмайра — ҳар кун хат ёзардим. Хонадонда ҳар биримиз алоҳида хат ёзардик. Акамдан ҳам хат тез-тез келарди. Мана ўша хатлардан сатрлар:

«Улар бўлсам ўлиб бўлдим бу ўйларимнинг дастидан. Бошқаларнинг боласи ҳам шунчами? Уларга қолса йўқни йўндириб берсам... Ҳаёт оғир бўлиб қолдимми?» — деди у аёл кўзини менга тикиб.

«Ҳозир мудофаадамиз. Киш... Гўпиллаб қор ёғиб турибди. Ботқоқлик яқлаб бошлаган — юришга қулай, ёғоч кўприқсиз юрамиз. Қор шунчақ ёғишида яқин кунларда қангиларни қийишга тўғри келади...»

«Улар бўлсам ўлиб бўлдим бу ўйларимнинг дастидан. Бошқаларнинг боласи ҳам шунчами? Уларга қолса йўқни йўндириб берсам... Ҳаёт оғир бўлиб қолдимми?» — деди у аёл кўзини менга тикиб.

«Улар бўлсам ўлиб бўлдим бу ўйларимнинг дастидан. Бошқаларнинг боласи ҳам шунчами? Уларга қолса йўқни йўндириб берсам... Ҳаёт оғир бўлиб қолдимми?» — деди у аёл кўзини менга тикиб.

Доимо эътиборимизда

Уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронлар ва кекса авлод юртимизда ҳамиша эъзозлаб келинади. Хотира ва қадрлаш кўни уларга ўзгача меҳр-муҳаббат ва савоҳат кўрсатилади. Биз айни кутлуг кўлар арафасида «Маҳалла» жағмармаси Тошкент шаҳар бўлимининг етакчи мутахассиси Ақида Азизова билан учрашиб Хотира ва Қадрлаш кўни муносабати билан жағмарма томонидан амалга ошириляётган савобли ишлар ҳақида суҳбатлашдик.

«Уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронлар ва кекса авлод юртимизда ҳамиша эъзозлаб келинади. Хотира ва қадрлаш кўни уларга ўзгача меҳр-муҳаббат ва савоҳат кўрсатилади. Биз айни кутлуг кўлар арафасида «Маҳалла» жағмармаси Тошкент шаҳар бўлимининг етакчи мутахассиси Ақида Азизова билан учрашиб Хотира ва Қадрлаш кўни муносабати билан жағмарма томонидан амалга ошириляётган савобли ишлар ҳақида суҳбатлашдик.

Мулойиму вазмин бўлишни унутмайлик

Ёш қайтгач «ортимда қолгин-да», деган сўзлар бекорга айтилмас экан. Худого шукр, бир ўғил, бир қизим уйла-жоили, бола-чақали, оталик ҳурматим жонди. Лекин бир неча ўн йил бир ёстиққа бош қўйиб сирдош бўлиб, кўзинга қараб туриб ҳатто нима демоқчи эканлигини ҳам сезиб турадиган турмуш йўлдошиндан айрилиб қолиш жуда оғир мусибат экан-да.

Кампирим хали кексаликни тан олганича йўқ эди. Ол-лоҳнинг иродаси билан бевактоф бу дунёни тарк этдию шу десангиз, наздинда бутун ёруғликни ўзи билан олиб кетди. Мен учун гуё бутун олам зимистонга айланиб, бир санъаткорнинг «Хар ким ўтсин бир ёр билан» деган қўшиғи ёшим бир жойга бориб қолганига қарамай бот-бот ёдимга тушади.

Ўғил иш юзасидан бошқа шаҳарда яшайди, қиз қанчалик меҳрибонлик қилмасин бировнинг хасми. Шу боис аёл киши — она ўғил-қизиникига сиғиб кетар экану отага қанчалик меҳр кўрсатилмаётган бўлмасин бир ери кемтик бўлиб қолаверар экан.

...Эндигина бир бош икки бўлиб, бахтимиздан энтиқиб гүлдек очилиб, яираб юрган дамлар қорасон дарди билан бир оғим икки бор қирқилиб ногирон бўлиб қолдим. Рафикам гури нурга тўлсин, бирон мартаба бўлсин ногиронлигимни юзига солмай, аксинча ҳурмату парваршини жойига қўйди, кейин билсам, кўнгли ярим деб бутун меҳрини менга бахшида қилган экан. Илоҳим жойи жаннатда бўлсин. Раҳматлининг ободастани кўтариб елкасида сочиқ билан тайёр туриши ҳали-хали кўз олдимдан кетмайди. Олтиш баҳорни ортада қолдирганлар, айниқса менга ўхшаш ногиронлар тан маҳрамидан айрилмасин экан.

Отанг маҳалла, онанг маҳалла деган сўзларда олам-олам маъно бор. Маҳалламиз фаолари эълитборини, кўни-қўшиларим меҳрини, ҳурматини кўриб уларга таъзим қилгим келади.

Бутун мавжудотни жуфт яратган Оллоҳимга шукрлар бўлсинки, маҳалламиз нурунийлари ҳамда хотин-қизлар комиссиялари раислари, қариндош-уруғ, таниш-билишларнинг саъй-ҳаракатлари, қанча кўриниқликлардан сўнг менга тан маҳрамин топилиб қолди. Қўйнишидан у соддагина, қайси бир феъл-атворлари билан рафикамга ўхшаб

кетеди. Кампирим бояқиш гречка пишириб кўрмаган экан, тушунтирдим: Қозонга уч пиёла сув солиб шақиллаб қайнаб турган пай-тида бир арим пиёла гречкани солиб, суви тортилай-тортилай деганда қозон қопқоғини ёпиб ўн беш дақиқа димлайсиз, қарабсизки овқат тайёр. Дирқиллаб пишган гречкани қосага сузиб устидан тайёрлаб қўйилган қайладан соласиз, қўқат-зирворларни юзига солиб дастурхонга тортасиз, вассалом.

— Лағмон тайёрлагандай гап экан-да, — деди кампирим. — Барақалла.

...Овқат келтирилди, иси гуркираб иштахани қитқилаб турибди. Мазасини тотиб кўрсам гречканинг мутлақо тузи йўқ.

— Гречкага туз солмадингизми? — деб сўрасам, соддаси тушмагур кампирим:

— Туз солсан демарингиз-ку, — дея жавоб қилса бўлади. Шу пайт қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборишдан зўрга ўзимни тўхтатиб қолдим. Қарангки, ҳадиси шарифда «Муслиму муслималар вазмину мулойи»

им бўлишлари даркор», дейилгани яшин тезлигида кўнглимдан ўтди ва:

— Ха-я, — дедим шоша-пиша, — ёддан қўтарилибди, ҳеч-қиси йўқ, намагини тўғрилаймиз-қўямиз.

— Мана сизга туз, дадаси, — деди кампирим туздонни узата туриб.

— Кўлингиз дард кўрмасин, лекин болабасиз, — дейман, кейинини ўйлайман-да. Мулойим вазмин бўлишдек олий фазилатнинг кўнглимга солиниши Яратган эгамнинг марҳамати эмасми. Жаноби пайғамбаримизнинг ўғитларига риоя қилиниб айтилган икки оғиз ширин сўз туфайли иштаҳага иштаҳа қўшилиб, кечки овқат қўйилди ўтди. Бунисига бисёр шукр. Чоли-кампир кўнглим ўргилсин қилиб дамланган кўк чойни майдалаб, телевизор томоша қилдик.

Азилар, хонандамиз ўз қўшиғида тилаганидек ҳар кимнинг бир ёр билан ўтиши қандай яхши, бунга нима етсин. Лекин тақдир тақозоси-ла, умидли дунё, иккинчиси билан бўлса-да унинг чехрасидаги нимтабассумни кўриб ўтиш янада яхши.

Мулойим вазмин бўлишни унутмайлик, бу ҳислатларга икки оғиз бугўдй сўзимиз қўшилиб борми, гувоҳ бўлганимиздек хонадонда соғлом муҳитнинг барқарор бўлиши турган гап.

Жаҳонгир АБУБАКИРОВ

Кўнглидаги гаплар

Кўнглидаги гаплар...
— Ха-я, — дедим шоша-пиша, — ёддан қўтарилибди, ҳеч-қиси йўқ, намагини тўғрилаймиз-қўямиз.
— Мана сизга туз, дадаси, — деди кампирим туздонни узата туриб.
— Кўлингиз дард кўрмасин, лекин болабасиз, — дейман, кейинини ўйлайман-да. Мулойим вазмин бўлишдек олий фазилатнинг кўнглимга солиниши Яратган эгамнинг марҳамати эмасми. Жаноби пайғамбаримизнинг ўғитларига риоя қилиниб айтилган икки оғиз ширин сўз туфайли иштаҳага иштаҳа қўшилиб, кечки овқат қўйилди ўтди. Бунисига бисёр шукр. Чоли-кампир кўнглим ўргилсин қилиб дамланган кўк чойни майдалаб, телевизор томоша қилдик.
Азилар, хонандамиз ўз қўшиғида тилаганидек ҳар кимнинг бир ёр билан ўтиши қандай яхши, бунга нима етсин. Лекин тақдир тақозоси-ла, умидли дунё, иккинчиси билан бўлса-да унинг чехрасидаги нимтабассумни кўриб ўтиш янада яхши.
Мулойим вазмин бўлишни унутмайлик, бу ҳислатларга икки оғиз бугўдй сўзимиз қўшилиб борми, гувоҳ бўлганимиздек хонадонда соғлом муҳитнинг барқарор бўлиши турган гап.



Кўркем замонавий бинолар пойтахтимиз ҳуснига ҳусн қўшмоқда...

Икки тил иқтисодчилари

Олий ўқув юртида маркетинг ва менежмент иқтисодчилиги бўйича кадрлар тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида кўри-лаётган бундай таълимий тадбир Тошкент Давлат шарқшунослик институти негизда ҳам кўтилган натижага бермоқда.

Олий ўқув юртида фаолият кўрсатаётган маркетинг ва менежмент кафедраси шу соҳа бўйича малакали мутахассисларни ўқитишга қаратилган ўқув режа ва дастурларига эга. Унинг битирувчи-лари бир неча нафари эса Замахшарий стипендияси, олий ўқув юрти ректори стипендияларини олиб ўқишмоқда.

Ҳозир кафедрада «Маркетинг асослари», «Менежмент»,

«Ташқи иқтисодий фаолиятда маркетинг», «Халқаро менежмент», «Ўзбекистонда инвестиция сиёсати» каби бил-лимлар бўйича махсус курс машғулотлари олиб борил-моқда. Иқтидорли талабалар-нинг бир неча нафари эса Замахшарий стипендияси, олий ўқув юрти ректори стипендияларини олиб ўқиш-моқда.

Акбар АЛИЕВ

ҚАТРАЛАР

Соя

Ўтган йили сийраккина гуллаган бир туп жийда бу ба-хор росмана гуллаб, қумуш-ранг япроқлари ичра уфори исларини гуркиратиб сочади. Ҳадемай новдалар ҳосилнинг зўридан эгиллади, дейман ўзимча. Афсус, гуллар ҳосил туғишга охиж экан. Қувончим билан қўшилиб эрга тўқилади.

— Ада, вой, гуллар алдоқчи экан. Жийда тугмай ерга учиб тушишди, — дейди ўғлим новдаларга термулиб.

Мен унга: — Девор ортидаги мева-сиз дарахт унга ёруғлик ўтказ-маяпти. Қўшим зарари тег-са бахридан ўтаман дедим.

— Балки қўшим «лоқайдий»-гини ташлаб, дарахтини ке-сар. Кесмаса-чи, томоқда-ги очик жойга чиқурчани ке-н-гроқ қовлаб олиб ўтказаман-да. Жийда бир йил кейинроқ бўлса ҳам яраб кетади.

Қўшимчилик эса минг йил-чилик. Ортиқча гап билан бир-биримизга соя таллаб, бағри-мизга шамол теғмай қолиши-дан Оллоҳ асрасин, дейман.

Йўловчи ва майса

У дала йўлидан бораркан, чечакларнинг сеҳрли лато-фатидан олган роҳати туй-ғуларини қитқилди.

— Қайдан пайдо бўлдинг, қайдан кўнди сенга кўркем гўзаллик? — чечакни суйиб сийпайди йўловчи.

— Қиш бўйи оёғинг ости-да фарч-ғурчиндан инграб, тупроққа қоршаган қорман. Этингин чимчанг совуғим-дан хафа бўлмаганимми?

— Йўғ-е, вақтида совуғинг кетиб, покликка беланган оқ беғуборлигинг майсалардан қолганидан бениҳоя шодман.

Сунъий гул

Сунъий гул деразадан ҳов-лига бокиб атиргулларга де-ди:

— Мен қишин-ёзим оқла-ганча бирдек туравераман. Айтинг-чи, мен зўрманми ё сизлар?!

Атиргуллар индашмади. — Туғилган кун ё тўй учун сизни узасалар, фурсат ўтган сўласиз. Мен бўлсам-чи, кўзларни қувонтиришдан чар-чайман. Ким қадрили, мен-ми ё сизлар?!

Атиргуллар яна индашма-ди.

Боғбон гулзор оралаб Наврўз байрамига гулдаста тузарди. Сунъий гул бу гал илтижо-ла:

— Гулдастанга мени ҳам қўш. Гулларингга ёш бўлиб мен ҳам кўрай байрамим, — деб қолди.

— Хидинг йўқ. Кўпнинг ўртасига тушиб, гуллар номи-га доғ туширишдан кўркем-ман, — эътироз билдирди боғбон.

Сунъий гул индамай қолди. У хидисизлик касалини яшироқ ўзин иссиқдан бе-зовталаниб, ўзини хаспўшла-ётган экан.

Ғани АБУДУЛАЕВ, боғбон.

Шарқ дурдоналари



• Дўстнинг сўз, насиҳат таёғи аччиқ кўринса ҳам натижаси жуда ширин, лаззатли бўлади.

• Мўътадиллик чегарасидан чиқиб кетган, ўртача ҳолга қаноат қилмай ҳақидан ошган кишига ўз сий-насида сақланган меъдаси ҳам дўшмандир.

• Қимнинг мияси ёз фаслида қайнаса, қиш фасли-да қозони қайнайди, яъни ёзда куч сарф этиб меҳнат қилган киши қишда роҳат ва фароғатда умр кечира-ди.

• Ақли расо бўлган одам ҳар хил беҳуда сўзларни сўзлашдан ўзини тияди, тилини ярамас сўзлар ай-тишга ўргатади.

• Қош қўяман деб кўз чиқарадиган нодон киши бил-лан дўст бўлма, у билан суҳбатлашма.

БАЙТ: Тутма суҳбат ёмон билан ҳаргиз, Пок бўлсанг, сени палид айлар.

• Нуриддин Абдураҳмон Жомий ўз ўғлига насиҳат қилиб айтади:

— Ўғлим, ўзингга, халққа манфаатли ишлар қилиш билан шугуллан, илм, ҳунар, маърифатдан баҳраманд бўл, жаҳолат, нодонлик йўлига қирма, нодон киши — ўлик, доно эса тирик ҳукмидадир. Илмга эга бўлган-нингдан кейин илмингга амал қил. Ҳеч кимга ёмонлик истама, дил озор бўлма. Дўстларингга эҳсон қил, ле-кин дўст ким, душман ким эканини бир-бирдан аж-ратиб ол. Китоб ўқишга мумкин қадар вақтингни сарф қил, китоб ҳамроҳинг бўлсин. Бир одамга ваъда бер-санг, албатта ваъданга вафо қил, бевафолик қўчаси-га қадам қўйма.

БАЙТ: Сен ёмонликка айланган рағбат, Неча турли ёмон бало кўргунг.

• Оғир ҳазиллар кўнглисиз воқеаларга ва икки дўстнинг бир-бирига душман бўлиб кетишига сабаб-чи бўлади. Шунинг учун ҳазилчиликдан сақланиш лозим.

БАЙТ: Кимса бирла қилмагил асло ҳазил, Тўғри айтганлар: «Ҳазилнинг сўнгги зил».

• Бир доғишманднинг шогирди устодидан сўра-ди:

— Менинг жуда муҳим бир сирим бор. Шу сирим-ни дилимда сақлайвериб юрагим қон бўлиб кетди. Сир сақлайдиган бир дўстимга сиримни айтиб, юра-гимни бўшатиб олмақчиман. Сиз нима маслаҳат бе-расиз? — деб сўради. Устоди айтди:

— Сенинг сиринг фақат ўзинггагина керак, бошқа одамга сира-хам керакмас, модомки, ўз сирингни ўзинг сақлай олмасан, бошқа киши ўзига керак бўлмаган сирни қандай сақлай олади? Агар у сирингни ошқор қилса бунга таажуб этишнинг ҳожа-ти бўлмайди.

БАЙТ: Ўз сирингни дилда сақлай олмасанг, Ошқор қилса биров, унга таажуб айлама.

• Ахлоқ, тарбия олимларидан Муҳаммад Одил ай-тади:

— Тириклик учун курашда муваффақият қозониш фақат саъй-ҳаракатга боғлиқдир. Саъй-ҳаракат инсон-ларни доимо яхшиликка ва юксалишга йўналтирувчи бир тараққиёт омилidir.

• Айтишларича, қадимги «Умавия» давлати ҳали-фаларидан Абдулмалик ибн Марвон машҳур олим Шай-бийдан:

— Саховатли, олижаноб, пок одамларнинг нишон-лари нима? — деб сўради. Шайбий айтди:

— Бундай пок-соф одамлар бир кишини дарров ўзларига дўст қилиб олмайдилар, аввал яхшилаб тек-шириб имтиҳондан ўтказанларидан кейингина дўстликка қабул қиладилар. Шу билан бирга, уларнинг бировга бўлган гина ва адоватлари ҳам тезда бўлмай-ди, узок вақт ўйлаб, фикр қилганларидан кейингина вужудга келади. Ҳароғуларнинг сўзларига ишониб дарров ғазабланмайдилар, чунки қумуш кўза узок вақт тургандан кейин мабодо синиб қолса, дарҳол уни ту-затиб, яна ундан фойдаланиш мумкин. Аммо баҳил, нокас ва пасткаш кишилар биров билан дўст бўлса-лар, уларнинг дўстликларининг биноси тезда бузи-либ, ҳароб бўлади, чунки уларнинг дўстлиги сопол кўзага ўхшайди, сопол кўза синса, уни тузатиб, иш-латиш мумкин бўлмайди.

• Инсоннинг фазилатлари, қадр-қиймати унинг аҳдага, ваъдага вафо қилишидан билинади.

• Энг улуг хайр-эхсон — сўралмасдан берилгани-дир.

• Фикр ва тадбири кучсиз бўлган кишининг душ-мани кучли бўлади.

• Келгусида турмуши, ҳол-аҳолининг қандай бўли-шини ўйлашдан ҳозирги ҳузурим — ҳузур деб ум-рини беҳуда нарсаларга сарф этган, айш-ишратга берилган киши ниҳоят паршон аҳолга тушади, қайғу-алам дараёсида фарқ бўлади.

• Баъзи доғишмандлар бировнинг сирини, қан-дай сир бўлмасин ошқор қилишни маън қилганлар, баъзилари эса очилиши жамиятнинг манфаати учун лозим бўлган сирни яширмасдан ошқор қилишни тавсия қилганлар. Масалан, бир киши бошқа бир ки-шини ноҳақ ўлдирди. Шу жиноятдан хабардор бўлган ва қотилни таниган киши бунга сир сақлашдан дар-роҳол тегишли идораларга хабар бериши керак. Агар хабар бермаса жиноят қилишда қотил билан бир сафда ҳисобланади, деганлар.

• Бир доғишманд айтди:

— Ақли, доно кишиларнинг сўзлари ёқимли, хулқ-атворлари мақбул ва марғуб бўлади. Улар одамлар олдида адаб билан ўтирадилар ва адаб билан тура-дилар. Очқ юзли, мулойим сўзли, хушмуомалали бўладилар. Такаббурлик, манманликдан сақланадилар.

• Айтишларича, бир кун икки киши Анушервон са-ройи ёнига келиб улардан бириси қичқирди:

— Ёмонлик қилма, ёмонлик қилишни сира ҳам ўйла-ма, агар ёмонлик қилсанг, бир кун албатта жазосини тортасан, — деди.

Иккинчи одам ҳам қичқирди:

— Яхшилик қил, доимо яхшилик қилиш ҳаракатида бўл, бир кун муқофотга эришсан, — деди.

Анушервон биринчи айтган кишига минг танга, ик-кинчисига икки минг танга беришни буюрди. Анушер-воннинг вазирлари ундан:

— Хар икки одамнинг айтганлари бир хил маъно-ни ифода қилади, лекин сиз биринчи кишига оз, ик-кинчисига кўп пул инъом қилдингиз, бунинг сабаби нима? — деб сўрадилар. Анушервон айтди:

— Биринчи киши насиҳатини «ёмон» деган сўз билан, иккинчиси «яхши» сўзи билан бошлади. Ёмон-дан қанча нафрат қилсак, яхшини шунча ҳурмат қила-миз. Дўстларнинг яхшилиги ҳамма яхшиликлардан юқори ўрин олади.

БАЙТ: Икки наининг сурати бирдек ва лек, Биттасидан қанд олурлар, биттасидан бўриё.

САЛОМАТЛИК

Қариндошдан қиз олсанг...

Фарзандларининг бахтли ҳаёт кечириши ҳар бир ота-онанинг энг олий ниятидир. Лекин бу орзулар тўлиқ бўлиши учун келин ва кўвнинг чиройи, одоби етарли эмас. Кейинги ўн йиллар ичда ўтказилган генетик текширувлар шунга кўрсатадики, келин ёки кўвнинг авлодида, аввало ота-онасида ёки бува-буваларидан ҳар хил насл хасталиклари бор-йўқлигини билишнинг аҳамияти катта экан. Насл касаллигига учраган оила фарзанди айрим оилалар билан никоҳ қилинса, шу хасталиклар кейинги авлодда қайта кетиши ҳам мумкин. Бунга тибиб генетика маслаҳатчаси ечиб беради.

Бундай маслаҳатхона даст-лаб бир неча йил илгари АКШ шишоналаридан йўлга қўйил-ган бўлсада, айрим халқлар ўртасида бу каби текширув урф-одатга айланган, тақомил-лашиб келмоқда. Бўлғуси кўёв ёки келин тарафдорлари, ав-вал бир-бирининг оиласи, улар-нинг ҳулқ-атвори, шу оилага хос тартиб-тарбиялар ҳолати билан танишади. Бу албатта икки тарафни ҳам раҳимийла-диган ҳолда, қўни-қўшни, та-ниш-билиш, узок-яқин қарин-дошлар ёрдамида олиб бори-лади. Агар шундай авлоддан авлодга ўтадиган хасталик, эмиш хулқ ёки бошқа нуқсон топилса, муаммо ўз-ўзидан ҳал бўлади. Еки тўйга тайёргарлик бошланади... Лекин қариндош-га куда бўлиш кўп ҳолларда ху-нуқ оқибатларга олиб келади.

Айрим мамлакатларда қариндош билан ўзаро никоҳ-лар катта фоизи ташкил қила-ди. Айниқса, Япония, Хиндис-тон, Исроил, Урта Осиё халқ-ларида бу кўп учрайди. Яқин қариндошлар орасидаги никоҳ-дан авлоднинг насл касаллик-лари билан шикастланиши ҳав-фи кучаяди. Бундай оилаларда зарарли генларнинг бир-бири билан учрашиши тасодифий ошиб кетади.

Шундай кўнглисиз воқеалар-нинг олдини олиш, ёшларимиз-нинг бахтли ҳаётини муҳофа-за қилиш учун ҳозирги вақтда йирик шишоналарда тибиб генетик маслаҳат марказлари очилмоқда. Унинг вазифасига маслаҳат сўраб келган оила-ларда насл хасталиғи бор-йўқлигини аниқлаш, кейинги авлодларда унинг келиб чи-қилишини олдини олиш каби ма-салаларни ҳал этиш киради. Бундан ташқари, касалланган оила аъзосидан хасталикнинг қандай генетик омилларга бо-ғлиқ эканлиги топилади. Насл касаллиғи пайдо бўлишидаги эмпирик хатарга баҳо берилиб, унинг олдини олиш тадбирла-ри айтилади. Оилада ирсий ха-сталик бор-йўқлигидан қатъи назар, турмуш қуришдан олдин албатта генетик шишордан маслаҳат олиш лозим.

Генетик шишоркор турт асо-сий масалани ҳал қилади: ку-тилаётган хасталик қайси кўри-нишда бўлади? (ташхис). Кас-саллик қандай ривожланиб бо-риши мумкин? (олдиндан фа-раз). Қандай даволаш мумкин? (даволаш). Ва қандай қилиб унинг олди олинадими? (профи-лактика). Тибиб генетикаси-даги олдиндан фарзлар оддий тибибдагидан бирмунча фарқ қилади. Бунда қандай ходиса рўй бериши мумкин, деган са-вол кўпгина маслаҳат сўраб муурожаат қилган шахсга эмас, балки хали туғилмаган бола-га тааллуқли бўлади. Агар оилда бир бола ирсий нуқсон билан туғилса, бундан кейин-гиларнинг аҳоли қандай бў-лади, деган масала ота-она-ларни ташвишга солади. Буна-



Дунёларга алишмасан сени, болажон!

НАШРИЁТ ТУҲФАЛАРИ

Кўнглик мулкига айлансин

Яқинда Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат на-шриёти томонидан янги нашрдан чиққан китоблар кенг китобхонлар оммасига тақдим қилинди. Уларнинг ак-сарияти кишини маънавият оламига етаклаши билан аҳамиятлидир.

Халқимизнинг атоқли ва ардоқли адиби, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат муко-фоти совриндори Ўткир Хошимов асарлари элимиз-нинг маънавий мулкига айлан-ган. Адибнинг қарийб қирқ йиллик ижодий фаолияти да-вомида 50 дан ортқ китоблари 2 миллиондан кўпроқ нусхада турли йил-ларда нашр этилди.

Ўткир Хошимовнинг «Баҳор соғинчи» деб номланган қис-салар, ҳикоялар, саҳна асар-лари, ҳажвий ҳикоялар, ўйлардан ташкил топган икки жилдик «Сайланма» китоби чоп қилинди.

Ўткир Хошимовнинг бун-дан қирқ йил аввал ёзилган ҳикоя, қисса, романлари, дра-матик ва публицистик асарла-ри ўқинган ҳам, бир йил аввал эълон қилинган асар-ларини мутлола қилсангиз ҳам, бирдек ҳаяжонга туша-

Носир Муҳаммаднинг «Насаф ва кеш алломалари» таъзира-си ҳам эътиборга лойик.

Ушбу таъзира юртимизнинг икки қадимий шаҳри Насаф ва Кешда етишиб чиққан ҳамда нафақат ўзбек маданияти, тари-хи, балки умумбаъшарий қадри-ятларга сезиларли ҳисса қўшган ўнлаб буюк алломалар ҳақида маълумот беради.

«Туркистон улуғлари» тур-кумидан Нодира Рашидова-нинг «Усмо Носир ҳақида хотиралар» китоби ҳам маъ-навиятимизни бойитишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Уч минг йил илгари яшаб ўтган бир доғишманд: «Хар бир кишининг ўзи учун қулай қилиб ўйлаб топган ҳақиқати бўлади ва унинг ҳақиқатига қарши «қурашлар натижа бе-риши қийин» деган экан.

Дарҳақиқат, чин ҳақиқат-нинг таъзимига етиш азал-дан мушкул иш. Бу йўлда чекинмашлар, қоқилмашлар, ҳатто қон тўкишу ноубуд бўлишлар бор. Ва лекин бу ҳақиқатга диллар барибир талпинаварида, интилавари-ди. Шу ҳақиқатга мадад ва суян-чиқ бўла олган инсон дун-ёда энг бахтли инсондир...

Назира ЖҲРАЕВА

ТАЪЛИМ

«Хамкорлик» маркази иш бошлади

Келажакнинг ворислари бўлмиш ёшларни миллий истиклол руҳида тарбия-лаш ҳамда Кадрлар тайёр-лаш миллий дастурини бос-қичма-босқич муваффақия-ят билан амалга ошириш Юртбошимиз раҳбарлиги-даги ҳукуматимизнинг до-имо эътиборида эканлиги қувонари ҳол албат